



ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТЕРГОВ ХИЗМАТИ ВА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЎЗARO ҲАМКОРЛИК ФАОЛИЯТИ: ХУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАР

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор.

Усмонжонов Улуғбек Умиджон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 311-ўқув гуруҳи курсанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17480110>

ARTICLE INFO

Received: 25th October 2025
Accepted: 28th October 2025
Published: 29th October 2025

KEYWORDS

Хуқуқбузарликлар
профилактикаси, тергов
хизмати, профилактика
инспектори, ҳамкорлик,
ташкилий асос, ҳуқуқий
механизм, жиноятларнинг
олдини олиш.

ABSTRACT

Мақолада хуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашда тергов хизмати ва профилактика инспекторининг ўзаро ҳамкорлик фаолиятининг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари таҳлил қилинади. Шунингдек, амалдаги норматив-ҳуқуқий асослар ва уларни такомиллаштириш йўналишлари бўйича амалий таклифлар берилган.

Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамиятда тинчлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш масаласи давлат хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу йўналишдаги фаолият Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгилаб берилган вазифалар асосида амалга оширилмоқда. Ушбу стратегияда инсон хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш ва ички ишлар органлари тизимини замонавий бошқарув тамойилларига мос равишда ривожлантириш устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Ички ишлар органлари фаолиятида хуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этишда тергов хизмати ва профилактика инспекторларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим ўрин тутаяди. Тергов хизмати жиноятларни тергов қилиш, далилларни тўплаш ва жиноятнинг сабабларини аниқлаш билан шуғулланса, профилактика инспекторлари жиноят содир этиш ёки жабрланиш эҳтимоли бўлган шахслар билан манзилли ишлаш, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш вазифасини

бажаради. Шу боис уларнинг ўзаро ҳамкорлик фаолияти ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг муҳим бўғини ҳисобланади.

Сўнги йилларда бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида “E-ma'muriy ish” ва “E-ijtimoiy profilaktika” ахборот тизимлари жорий этилди. Бу тизимлар орқали тергов ва профилактика хизматлари ўртасида маълумот алмашиш, таҳлил қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштириш имкониятлари кенгайди.

Мазкур мақолада тергов хизмати ва профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашдаги ўзаро ҳамкорлик фаолиятининг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари таҳлил қилинади.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан ички ишлар органлари тергов хизмати ҳамда профилактика инспекторлари ўртасидаги узвий ҳамкорликка таянади. Бу ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси қатор қонун ҳужжатларида, Президент фармон ва қарорларида, шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг идоравий буйруқларида мустақамлаб қўйилган.

Аввало, Ўзбекистон Республикасининг **Жиноят-процессуал кодекси** тергов органларининг асосий вазифаларини белгилаб, жиноятларни фош этиш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш билан бирга, жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон яратаётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини кўришни назарда тутди. Ушбу норма тергов фаолиятининг профилактик йўналишини белгилаб беради ва профилактика бўлинмалари билан ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан асослаб беради.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг

35-моддасига кўра, профилактик ҳисобга олиш қуйидаги шахсларга нисбатан юритилади:

–Ўзбекистон Республикаси **Жиноят-процессуал кодексининг**

84-моддасига мувофиқ, айбдорлик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқарилган шахсларга;

– шунингдек, ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган, жиноят содир этишда айбланувчи сифатида қатнашган шахсларга.

Бундай ҳолатларда терговчи томонидан қабул қилинган процессуал қарор профилактика инспектори учун муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Унинг асосида профилактика ҳисобини юритиш, назоратни амалга ошириш ва ушбу шахслар билан индивидуал профилактик ишларни ташкил этиш имкони яратилади. Шу йўсинда тергов хизмати ва профилактика инспектори ўртасидаги маълумот алмашинув тизими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўзаро боғлиқ механизм сифатида ишлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2022 йил 28 январдаги ПҚ–105-сонли “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори** тергов ва профилактика бўлинмалари фаолиятида ахборот алмашинувини тезкор ва очиқ шаклда ташкил этиш имконини яратди. Бу қарор идоралараро ҳамкорликнинг янги

босқичига йўл очиб, ҳуқуқбузарликлар таҳлилини автоматлаштириш ҳамда уларнинг олдини олиш чораларини самарали мувофиқлаштириш имконини берди.

Тергов департаменти фаолиятининг ҳуқуқий асосларига кўра, у жиноятларни тергов қилиш билан бирга, жиноятчиликнинг ҳолати ва тенденцияларини таҳлил этиш, унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифасини ҳам бажаради. Шу жараёнда профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда аҳоли орасида ҳуқуқий маданиятни ошириш, ҳуқуқбузарликка мойил шахсларнинг назоратини кучайтириш ва улар билан профилактик суҳбатлар ўтказиш ишлари амалга оширилади..

Натижада, амалга оширилаётган ислохотлар натижасида тергов хизмати ва профилактика инспекторлари фаолияти ўртасидаги ҳуқуқий, ташкилий ва ахборотий боғланиш тобора мустаҳкамланмоқда. Бу эса жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ички ишлар органлари тергов хизмати ва профилактика инспекторлари ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳамкорлик қонун ҳужжатларида ҳамда ИИВ буйруқлари билан қонуний асосга эга.

Қотиллик ва тан жароҳати етказиш каби жиноятлар одатда хабар ёки ёзма ариза орқали қўзғатилади. Хабарлар тиббиёт муассасалари, ўликхоналар, зўрлик аломатлари мавжуд бўлган мурдалар топилганлиги ҳақидаги маълумотлар орқали ҳам келиши мумкин.

Жиноят содир бўлганда **профилактика инспектори биринчи бўлиб воқеа жойига етиб боради**. У тергов-тезкор гуруҳ келгунга қадар воқеа жойини ўраб олиши, далиллар ва изларни йўқотишнинг олдини олиши лозим.

Терговга қадар текширув ва суриштирувни тўғри ташкил этиш учун:

- барча ҳолатлар бўйича **тергов тусмоллари** тузилади;
- профилактика инспекторлари ва тезкор-қидирув ходимлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилади;
- мураккаб жиноятлар тергов-тезкор гуруҳларга топширилади;
- дастлабки терговда кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатлар ўз вақтида ўтказилади, биринчи навбатда шикаст етказилган жой кўздан кечирилади.

Шу тариқа, тергов хизмати ва профилактика инспектори ўртасидаги ҳамкорлик жиноятчиликка қарши самарали чора-тадбирларни амалга оширишга хизмат қилади. Терговчи жиноятларни фош этиш ва жиноятга алоқадор фактларни аниқлашга эътибор қаратган пайтда профилактика инспектори жабрланувчининг хавфсизлигини таъминлайди, воқеа жойини ҳимоя қилади ва маҳаллада профилактик назоратни олиб боради. Бу тизим ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этишда узвий ва комплекс ёндашувни таъминлайди..

References, Литературы, Adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6196-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-ноябрдаги “Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-105-сон қарори.
8. 2024 йил 30 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 801-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон қарори.

INNOVATIVE
ACADEMY